# ХАЛҚПАРВАР, ЮРТПАРВАР ФИДОЙИ ИНСОНЛАР — ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРДИР!

## САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яқинда бир танишим ўзи туғилиб ўсган қишлоққа боргани, у ерда ҳамқишлоқлари уруғ-аймоқчиликка берилиб, ҳар бир уруғ ўзидан депутат чиқиши учун ҳаракат қилаётганини куюниб гапирди. Эмишки, қай уруғдан депутат чиқса, ўшаларга офтоб кулиб боқармиш: қариндошларнинг уйига сув чиқади, кўчалари асфальтланади, ўзлари яхши ишларга жойлашишади...

Президентимиз Ислом Каримов бундай ҳолатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида: **«Сайловлар одамларнинг маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қабилачилик белгилари асосида ажралиб кетишига ҳам сабаб бўлмаслиги керак»,** — дея таъкидлаган эди.

Куни кеча номзодларнинг сайловолди тарғибот учрашувларидан бирида бўлиб ўтган мулоқотни гапириб қолишди. Номзоди кўрсатилган вилоят миқёсидаги раҳбар ходимлардан бири аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, депутат қилиб сайланса, трактор ва прицепларнинг ғилдирагини ўз сайловчиларига давлат баҳосидан ҳам арзон нархларда сотишини айтган. Шунда сайловчиларнинг бир гуруҳи қувонганидан қарсак чалиб юборади. Бир гуруҳда эса саволлар пайдо бўлади. Биринчидан, қандай қилиб давлат нархидан ҳам арзон сотиш мумкин? Унинг ўрни қаердан олиб тўлдирилади? Яна шу меҳнаткашларнинг меҳнат ҳақидан эмасми! Иккинчидан, модомики, вилоятда трактор ва прицеп ғилдираклари бор ва уни ҳатто давлат баҳосидан арзон сотиш имконияти мавжуд экан, нега номзод шу қиладиган ишини пайсалга солиб келди? Ахир, деҳқон шу матоҳга ўз вақтида қанчалик муҳтож эди. Ғилдирак йўқлиги, борларининг эса эскилиги боис қанча трактор, прицеплар самарали ишламади. Пешона тери билан етиштирилган ҳосил ерга тўкилди, натижада иш унуми, терилган пахтанинг сифати пасайди? Бу эса ўз-ўзидан деҳқоннинг даромадига салбий таъсир этди.

Номзоднинг ваъдасидан хурсанд бўлиб чапак чалган сайловчилар билан уни бундай ваъдаси учун қаттиқ ва ҳаққоний саволга тутган сайловчиларнинг дунёқараши, тушунчаси орасида жиддий фарқ борлиги кўриниб турибди. Биринчи тоифа бугунги кунини, шахсий, маиший манфаатларини, иккинчи тоифа эса келажакни, фарзандларимизнинг беш йил, ўн йилдан кейинги ҳаётини ўйлаб овоз беришга шайланишмоқда. Тўғри, шахсий, маиший манфаатларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Халқимизда, бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув, деган мақол мавжуд. Аммо, шахсий, маиший манфаатлар ва умуммамлакат, умуммиллат манфаатлари «тарозига қўйилганда» уларнинг қай бири кўпроқ аҳамиятли эканлигини англаш учун кишида адолат ва фуқаролик бурчини ҳис этиш туйғуси, маърифат ва сиёсий маданият бўлмоғи лозим. Ғилдирак нари борса бир йил, икки йилда адо бўлади, кейин уни давлат баҳосидан арзонга бериши мумкин бўлган «азамат» яна қаердан топилади? Давлат баҳосидан арзон, текинга иш битириб бермоқчи бўлганлар аслида ўз ўтмишларини, ҳақиқий қиёфаларини очиб бермаяптиларми? Буни бугунги маърифатли сайловчидан яшириб бўлармиди! Сайловчининг масъулияти, вазифасини Президентимиз Ислом Каримов: **«Ҳар бир сайловчи ўз бурчини собиқ иттифоқ даврида бўлгани каби сайлов бюллетенларини оила-оила бўлиб қутига ташлашдан иборат деб билмай, аввал айтганимдай бу жараёнга онгли равишда ёндошмоғи, ўз овози, жамият ва давлат ҳаёти учун, келажак учун аҳамиятли эканини, сайловчи сифатида зиммасида катта масъулият борлигини англаб етишга эришмоғи даркор»,** — дея таъкидлаб ўтган эди.

Шу кунларда эл-юртнинг ишончини қозониш учун елиб-югуриб юрган айрим «шоввоз» номзодлар саховатпеша бўлиб қолганликларини ҳам эшитиб турибмиз. Айтишларича, улардан бири ўз ҳудудида одам тайинлаб, унга овоз бермоқчи бўлганларни олдиндан ҳисоб-китоб қилиб, исм-фамилиясини ёзиб, уларга арзон нархда шакар, чой сотишни уюштирмоқчи бўлган эмиш. Овоз беришни истамаганларга бу нарсалар сотилмас эмиш. Номзоднинг дастёрлари овоз берганларнинг ҳолидан бўлажак депутат сайловдан кейин ҳам хабар олиб туришини уқтиришаётган экан. Сайловга бевосита мутасаддилар унинг қўлига қонунни тутқазиб қўйишгач, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетганини сезмай қолибди.

Шу каби воқеаларни эшитганингда ҳайрон қоласан. Бундай номзодлар бугун катта сарф-харажат эвазига депутат бўлиб олишса, эртасигаёқ унинг ҳиссасини чиқариб олиш учун ҳар қандай кўчага киришга тайёр турмайдиларми? Сессияларда ўзлари қўл кўтариб маъқуллайдиган қонунларга ҳаётда ўзлари амал қилмайдиган депутатлар шундайлардан чиқса керак, деб ўйлаймиз. Тили бошқа-ю, иши бошқа одамлар аслида шулар эмасми! Бугунги номзодларнинг маънавияти эртанги депутатларнинг савиясини белгилайди. Шу сабабли жамоатчилик номзодлар қиёфасида энг муносиб — аввало ҳалол-пок, маънавий етук, теран билимли, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўя олишга қодир одамларни кўришни истайди.

Сайловолди учрашувларидаги савол-жавоблар аксарият сайловчилар бугун ҳаётга, теварак-атрофга янгича кўз билан қараётганликларини кўрсатмоқда. Бугунги сайловчилар кечаги ўз тақдирига эътиборсиз инсонлар эмас. Бўлажак депутат унинг орзу-интилишлари билан ҳисоблашишга мажбур.

Айрим номзодларнинг сайлов куни арафасида ўз номзодларини қайтариб олиш ҳақида ариза билан мурожаат қилаётганликларини ҳам шу маънода табиий ҳол деб қараш мумкин.

Мана шу далилларнинг ўзи демократик тамойиллар ҳаётимизда одат тусига кириб бораётганини, энг жиддий масалаларга ҳам онгли ёндошув қарор топаётганини англатмайдими?

Бир сўз билан айтганда, номзодлар сайловчилар олдида синовдан ўтмоқдалар, сайловчилар эса келажак олдида, авлодлар олдида имтиҳон топширмоқдалар.

**Салим АШУРОВ.**





*Янгийўл туманидаги сайлов участкаларида муҳим сиёсий тадбир арафасида иш қизғин олиб бориляпти. Барча сайловчилар рўйхатга олиниб, уларга таклифномалар тўлиқ тарқатиб чиқилди. Айни пайтда номзодлар билан учрашувлар ўтказиш, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар дастурларини аҳолига кенг таништириш ишлари олиб борилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: 173-Эски Қовунчи сайлов округи комиссияси раиси З. Устабоев (чапдан иккинчи) сайловчиларга номзодлар ҳақида гапириб бермоқда; туман сайлов комиссияси раиси Ш. Юнусов ва комиссия котиби Н. Тўхтаева амалга оширилган ишлар сарҳисобини кўздан кечиришаяпти.**

**Д. АҲМЕДОВ олган суратлар.**

Бизнинг маслаҳатлар

## ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

***Орзиқиб кутилган кун — 5 декабр субҳидамида, соат 6 да мамлакатимиздаги етти минг етти юздан ортиқ сайлов участкаси ўз эшикларини ланг очади ва участка комиссиялари сайловчиларни Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар учун овоз беришга таклиф этадилар. Бу кун сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан уч ой мобайнида олиб борилган ишларнинг якунловчи босқичи бўлиб қолади.***

Овоз бериш яхши ташкил этилиши ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг барча талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Шу муносабат билан нималарга эътибор қаратиш керак?

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан, сайлов участкасида овоз беришни участка сайлов комиссияси ташкил этади. Сайлов комиссияси овоз бериш биноси, сайлов қутилари, бошқа сайлов ашёларини олдиндан тайёрлаб қўйиши, аҳолини овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида маҳаллий матбуот, телевидение, радио орқали, плакатлар, эълонлар ва бошқа воситалар ёрдамида хабардор этиши керак. Ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар сайлов участкасига туташ ҳудудни ободонлаштиришни (ёритиш, асфальтлаш, ораста лаш ва ҳоказоларни) об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда олдинроқ ўйлаб қўйишлари керак.

Қонунга мувофиқ, овоз бериш соат 6 дан соат 20 гача махсус тайёрлаб қўйилган биноларда ўтказилади. Шу мақсадда уларда сайлов бюллетенлари бериш учун жой, яширин овоз бериш учун жиҳозланган кабиналар ёки хоналар бўлиши, сайлов қутилари қўйилиши лозим. Бунда сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади.

Зарур бўладиган кабиналар ёки хоналар сонини участка сайлов комиссияси сайловчилар сонига қараб белгилайди. Кабиналар олдида сайловчилар навбат кутиб қолмаслиги учун ҳам шундай қилинади. Барча кабиналар яхши ёритилган ва сайловчилар бюллетенларга тегишли белгиларни қўя олишлари учун стол-стуллар, ручкалар ёки қаламлар қўйилган бўлиши лозим.

Овоз бериш бошлангунга қадар участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозирлигида сайлов қутиларини муҳрлайди, сайлов бюллетенларини, сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди. Бунда шуни ёдда тутиш жоизки, овоз бериш куни арафасида сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссияси икки аъзосининг имзоси қўйилган, имзолар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Овоз бериш кунидан бир неча кун олдин комиссия раиси комиссиянинг ҳар бир аъзосига вазифаларни тақсимлаб бергани маъқул, яъни сайловчилар рўйхатларига ким белги қўйиши, бюллетенларни ким бериши, ариза ва шикоятларни ким қабул қилиши, округ сайлов комиссияси билан ким алоқа қилиб туриши олдинроқ белгилаб қўйилгани дуруст.

Бюллетенлар ва рўйхатлар комиссия аъзолари ўртасида тақсимланиб, аъзолар ўз жойларини эгаллаганларидан сўнг раис эрталаб роппа роса соат 6 да сайлов участкаси эшикларини очиб, сайловчиларни таклиф этади ҳамда овоз бериш бошланганлигини эълон қилади.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқалар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайловчи сайлов участкасига келиб, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи паспорт ёки бошқа ҳужжатни кўрсатиши лозим. Шундан кейин унга сайловчилар рўйхати асосида сайлов бюллетенлари берилади. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар сайлови бир кунда ўтказилаётганлиги муносабати билан ҳар бир сайловчи Олий Мажлисга ҳамда халқ депутатлари тегишли вилоят, туман ёки шаҳар Кенгашига сайлов бўйича, демак ё иккита, ёки учта сайлов бюллетени олади.

Шуни ёдда тутиш зарурки, сайлов участкасига бирор-бир сабабга кўра фамилияси сайловчилар рўйхатига кирмай қолган фуқаролар ҳам келишлари мумкин. Бундай ҳолда уларнинг ҳар бири шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатни сайлов комиссиясининг аъзосига кўрсатиши лозим. Шундан кейин у сайловчилар рўйхати иловасига киритилади ҳамда белгиланган тартибда овоз беради.

Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, овоз бериш кабинасига ( хонасига) боради. У ерда овоз берувчидан бўлак ҳеч ким бўлмаслиги керак. Участка сайлов комиссиялари яширин овоз бериш таъминланиши учун қатъий жавобгардирлар. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган айрим сайловчилар (кексалар, ногиронлар ва ҳоказо), ўз хоҳишларига кўра, сайлов комиссияси аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабинага (хонага) таклиф қилишлари мумкин.

**Сайлов бюллетени сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчириш йўли билан тўлдирилади. Сайловчи шуни аниқ билиши керакки, бюллетенда ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилиясинигина қолдириши лозим. Агар бюллетенда иккита ёки ундан ортиқ номзоднинг фамилияси ўчирилмай қолдирилган бўлса, бундай бюллетенлар овозларни санаб чиқиш чоғида ҳақиқий эмас деб топилади.** Овоз берувчи яширин овоз бериш кабинасидан (хонасидан) чиқиб, бюллетенларни сайлов қутисига ташлайди.

Шуни билиб қўйиш керакки, агар сайловчи бюллетенни бузиб қўйса, унинг илтимосига кўра сайлов комиссиясининг аъзоси унга бошқа бюллетень бериши керак. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олинади, бекор қилинади ва алоҳида сақланади.

Шундай бўлиши ҳам мумкинки, сайлов куни сайловчи турли сабабларга (хизмат сафари, таътил, даволаниш ва ҳоказо) кўра турар жойида бўла олмайди. У ўз фуқаролик ҳуқуқини олдинроқ, яъни овоз бериш кунига қадар адо этиши мумкин. Бунинг учун у ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаси олиши зарур. Варақани олганидан кейин сайловчи бир қарорга келади ва уни тўлдиради, сўнгра сайлов варақасини конвертга солиб, ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдиради. У сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Кейинчалик, 5 декабрда, овоз бериш тугаганидан сўнг, яъни соат 20 дан кейин бу конвертлар сайлов комиссиясининг аъзолари иштирокида сайлов қутиларига ташланади.

Участка сайлов комиссиялари айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмасликларини ҳам ҳисобга олишлари лозим. Бундай ҳолларда, уларнинг илтимосига кўра, комиссия аъзолари овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этадилар.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, участка сайлов комиссияси бориш қийин бўлган ерлардаги (геология-қидирув партиялари, метеорология станциялари ва бошқа шу сингарилардаги) сайловчиларнинг овоз беришини ҳам ташкил этиши шарт. Бундай ҳоллар учун сайлов участкаларида овоз берувчиларга сайлов комиссиясининг аъзоси ёки участка комиссиясининг махсус вакили олиб борадиган кичик ҳажмли махсус қутилар бўлиши лозим.

Шуни билиш жоизки, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналарда, ҳарбий қисмларда жойлашган сайлов участкаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда жойлашган участкаларда, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

Шуни алоҳида назарда тутиш керакки, сайлов куни ташвиқот юритишга рухсат этилмайди, овоз бериш биноларида эса ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилмаслиги лозим.

Яна шуни ҳам билиб қўйиш ўринлики, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, чет эллик кузатувчилар овоз бериш куни сайлов участкаларида ҳозир бўлишлари мумкин. Уларнинг ваколатлари тегишли округ сайлов комиссияси томонидан берилган мандатлар билан тасдиқланган бўлади. Кузатувчилар сайлов участкасида ҳозир бўлиш, овоз беришнинг боришини, овозлар санаб чиқилишини ва участка сайлов комиссиясининг баёнлари тузилишини кузатиш ҳуқуқига эга. Айни чоғда, уларнинг овоз бериш жараёнига аралашиши, ташвиқот олиб бориши, сайловчиларга таъсир ўтказиши, участка сайлов комиссияси фаолиятига аралашиши ман этилади.

Овоз бериш биносида қонунга риоя этилиши устидан жавобгарлик участка сайлов комиссиясининг раиси зиммасига юкланади, унинг фармойишлари, буйруқ ва қарорлари шу бинодаги барча шахслар учун мажбурийдир.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган овоз бериш тартибига қатъий риоя этиш мамлакатимиз фуқароларига ўз хоҳиши-иродасини билдириш ҳуқуқидан эркин ва тўсқинликларсиз фойдаланиш, давлатимизнинг умумий эътироф этилган халқаро нормалар асосида яшашга бўлган интилиш ва саъй-ҳаракатларига яна бир бор ишонч ҳосил этиш имконини беради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг Назорат-ахборот бўлими.**

## ВАЪДАНИНГ НАРХИ АРЗОН

Карнай-сурнай садолари остида сайловхоналарга кириб, қўлга берилган қоғозни қутига ташлардик-да, махсус ташкил этилган савдо растасидан камёб озиқ-овқат, кийим-бош олганимизга хурсанд бўлиб, кимни нимага сайладик, бизга аҳамиятсиздай қайтар эдик. Кейинчалик сайлов дегани юқорининг синовидан ўтган, улар тайинлаган номзодларни овоз бериб, тасдиқлаб қўйиш деб тушуниб келинди. Ҳатто мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам ким ваъдани кўпроқ берса, «сахийлик» қилиб юборса, кўп овоз олиш ҳоллари юз берди. Бу, меҳнаткаш халққа қанчалар қимматга тушгани ҳаммага аён.

Аллоҳга шукур, яқинлашиб келаётган сайлов бизга ҳур фикрлиликни берди. Бу ғалги сайловолди йиғилишлари ҳам одатдагидан бошқача кечмоқда. Айрим кишилар ўзлари раҳбарлик қилаётган корхона ёки хўжаликни ўтказиб қўйган бўлсалар ҳам нималаргадир ишониб номзодларини депутатликка қўйганларки, буни сайловчилар учрашувларда рўй-рост айтишяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга депутат сайлаш жамиятимиз келажагини белгилаш демакдир. Чунки сайланаётган депутатларга кўп нарса боғлиқ. Улар иймон-эътиқодли, маънавият ва маърифатимиз негизини тушунган, ўз манфаатини атрофдагилар эҳтиёжидан устун қўймайдиган инсонлар бўлиши керак.

Биз — сайловчилар назаримда, сайлашни ҳам ўрганишимиз даркор.

Депутатликка тўғри сўз, лоқайдлик ва тўрачиликка қарши муросасиз кураша оладиган одамлар сайланиши керак. Ҳақиқатни айтиш, ҳақиқатни ёзиш, бошга қилич келганда ҳам ундан тонмаслик — чин инсонлик белгисидир. Мана шу хусусиятлар бор жойда турмуш тарзимизда ҳам ўзгариш, эркин фикрлаш жараёни юзага келади. Том маънода фидойи, комил инсон маънавиятини шакллантира олишимиз мумкин.

Буларнинг барчаси эса мамлакатимиз юксалиши негизидир.

**Оймчахон БЕКМИРЗА қизи,**
**«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Наманган вилоят бўлими бошқаруви раисининг ўринбосари.**

Менда фикр бор

## ЭЪТИБОР ҚОЗОНИШ ОСОН ИШ ЭМАС

Инсоният ўз ҳаёти ва фаолияти мобайнида кўп кашфиётлар қилган. Ана шу кашфиётлар туфайли ер куррасининг турли нуқталарида туриб бир-бирларини кўрадилар, гаплашадилар, ҳатто ҳавода учиб бориб дийдорлашиш имкониятига ҳам эгадирлар. Булар фаннинг, техниканинг ютуқлари, албатта. Маънавият соҳасида эришилган ва эришилаётган ютуқлар ҳам улардан қолишмайди. Демократия ана шундай буюк кашфиётларнинг бири, десак асло хато бўлмайди. Зеро, ҳар бир давлат, халқ учун, биринчи навбатда, озодлик ва мустақиллик керак. Шундан кейингина мамлакатни идора этиш ҳақида қайғурилади. Идора этиш учун халқнинг бошига демократик кайфиятдаги энг тадбиркор, энг инсонпарвар, энг ғайратли фарзандлари келсагина ўша юрт равнақ топади. Шу маънода, демократик сайловлар воситасида ҳокимият вакиллик органларига депутатлар сайлаш халқ билан давлат ҳамкорлигининг энг тўғри йўлидир.

Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашларга кўрсатилган номзодлар рўйхати билан танишиб, беихтиёр қувондим, қалбимда фахр-ифтихор туйғулари пайдо бўлди. Чунки эндиликда бир депутат ўрнига бир-икки эмас, бир неча кишининг номзоди қўйилмоқда. Мана шу ҳолатнинг ўзи демократик тамойиллар белгиси эмасми? Ҳа, бўлажак депутатларимиз рўйхатга олиниш жараёнининг ўзидаёқ бир марта танловдан ўтдилар, ўзларини синаб кўрдилар, десак хато қилмаймиз. Номзодларнинг бири оддий тадбиркор бўлса, бири жамоат ёки таниқли маданият арбоби, яна бири эса маҳаллий раҳбар. Шундай бўлганидан кейин одамлар, яъни сайловчилар халққа, Ватан тараққиётига фойдаси тегадиган одамни танлаши, сайлаши турган гап.

Сайловларга тайёргарлик жараёни демократия тамойилларига тўла мос келаётганига ҳам шубҳа йўқ. Буни Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари орқали ҳар куни фуқароларимизни янгиликлардан хабардор қилиб тураётгани ҳам исботлаб турибди. Сайловлар мамлакатимизнинг яқин келажагини белгилайди. Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё минтақасидаги тинчликнинг, хавфсизликнинг ҳам кафолатидир. Демак, биз бугунги кунда бутун дунё жамоатчилигининг кўзи ўнгидамиз.

Тарихан қисқа давр мобайнида ғалла, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи, энергетика мустақиллигига эришган, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти асосларини ярата олган, бой тарих, улкан маънавият ва маданият, саноат ва туризм мамлакати сифатида жаҳонда ўз ўрнини топишга интилаётган Ўзбекистонни бугун ер куррасининг барча нуқталарида яхши биладилар. Биз сайлайдиган депутатлар, аввало, ана шу ҳолатни ҳис эта олишлари, тасаввур қилишлари, давр талабларига мос бўлишлари лозим. Улар учун миллат ва Ватан манфаатлари устувор вазифа бўлиши керак. Номзодни танлаш, сайлаш, албатта биз — сайловчиларга боғлиқ. Бугунги сайловчи, аввало, депутатликка номзоднинг сайловолди дастури билан яхши танишиши, улардан ўзига тегишли хулоса чиқариб олиши зарур. Тўғрисини айтганда, сайловчи номзоднинг сайловолди дастуридаги қайси гап асосли, қайси гап асоссиз ёки мақтанчоқлик эканлигини юракдан ҳис этиши, ўз амалини депутатлик дахлсизлиги ёрдамида ҳимоялашга интилаётган киши билан қалбида халқига меҳр ва ихлос дарёси жўшиб турган кишини дарров ажратиб ола билиши керак. Бунда, албатта сайловчиларнинг депутатликка номзодлар билан мулоқоти катта аҳамиятга эга. Маълумки, номзодлар авваллари сув қувури, газ ўтказаман, асфальт ётқизаман, деб сайловчилар овозини сотиб олардилар. Аксарият ҳолларда ҳатто ана шу ваъдалар ҳам бажарилмай қолиб кетарди: сайловдан кейин депутат ўзини сайлаганларни унутиб юборарди. Бугун сайловчи бир километр масофани асфальтлаган ёки бир неча хонадонга газ ўтказган билан турмушимиз тубдан ўзгармаслигини, муаммоларимиз ҳал бўлмаслигини яхши билади. Ҳа, эндиликда қуруқ ваъдалар берадиган номзодларнинг сайланиши у ёқда турсин, ҳатто эл ичида кулги бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Эртанги кунимизнинг депутати тадбиркорлиги билан эл фаровонлигига ҳисса қўшиши, ишлаб чиқаришга янги замонавий техника ва технологияни жорий этишнинг ташкилотчисига айланиши, халқнинг бугунги эҳтиёжини биринчилар қаторида англаб, унинг корига ярата олиши, маънавий юксалишга ўз ҳиссасини қўшиши, ҳуқуқ-тартибот, халқ осойишталиги ва фаровонлигининг барқарор бўлишини таъминлашда фаоллик кўрсатиши ва ана шу ҳолатларни таъминлай, ифодалай оладиган қонунлар яратиши, қабул қилинган қонунларнинг ижросини назорат қила олиши шарт.

Демак, бугунги замон депутати иқтисодни, сиёсатни, ҳуқуқни ва тадбиркорликни биладиган, маънавияти юксак, баркамол инсон бўлиши керак. Акс ҳолда овоз олиш, эътибор қозониш осон кечмайди. Буни сайловлар яқинлашган сари депутатликка номзодлар, уларнинг дастурлари хусусидаги баҳс-мунозаралар қизиб бораётганлиги ҳам далиллайди. Табиийки, бу демократиянинг амалий ифодаси, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги белгисидир. Биз сайловда нафақат бугунги кунимиз, балки келажагимиз учун ҳам овоз берамиз. Шуни унутмаслик керак.

**Абдулла НАСРИДДИНОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти фалсафа кафедраси доценти.**

